*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ № 16 (9512). • 1989 йил 21 январь • Баҳоси 5 тийин.

**ШАНБА СОНИ**

**• 21 январь—В. И. Ленин хотираси куни**

## ТИЛИМИЗДА, ДИЛИМИЗДА

**В. И. Лениннинг барҳаёт номи совет кишилари, бутун прогрессив инсоният қалбида муҳрланиб қолган. Доҳийнинг революцион таълимоти порлоқ келажагимиз, бахт ва озодлик йўлини мунаввар этиб турибди. У бошлаб берган улуғ ишлар жонажон партиямизнинг стратегик планлари ва қарорларида амалда рўёбга чиқаётганлигини бутун жаҳон кўриб турибди. Доҳий ғоялари мамлакатимиз ҳаётини тубдан ўзгартиришга, сифат жиҳатдан янгилашга, тараққиётимизнинг янги тарихий босқичига Улуғ Октябрь руҳини сингдиришга хизмат қилмоқда.**

**Қайта қуриш жараёнида ташланаётган ҳар бир қадамимизни доҳий васиятларига қиёслаб кўрмоқдамиз. Янгиланиш даврида унинг барҳаёт таълимотига қайта-қайта мурожаат этиб, янги куч-қудрат олмоқдамиз. КПСС XXVII съезди, XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси қарорларида Ленин ғоялари янада ривожлантирилди. Халқимиз қайта қуришнинг назарияси ва сиёсати билан қуроллантирилди. Ҳозирги буюк ўзгаришларни биз партия ва Ленин номи билан ҳақли равишда боғламоқдамиз. Зеро, Лениннинг номи ва иши ҳамиша барҳаётдир!**

* * *

Москва, Қизил Майдон. Ленин ҳузурига.

ТАСС фотохроникаси.






Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз ремонти заводининг меҳнат коллективи конференциясида СССР халқ депутатлигига номзод кўрсатилди. Технолог С. Мольдеф дизель цехи ходимларининг топшириғига биноан қозон қурилмалари оператори Е. А. Маршалов номзодини таклиф этди.

## ЮКСАК ИШОНЧ

Корхонада ўз ҳаётининг ўттиз йилдан ортиғини заводга бағишлаган бу кишини яхши биладилар.

Пўлат қуюв цехи бошлиғи Г. Жданов, энергетика-кучланиш цехи слесари Я. Деркач, бошқа сўзга чиққан кишилар бу таклифни қўллаб-қувватладилар.

Конференция қатнашчилари Евгений Александрович Маршалов 597-Тошкент Ленин территориал сайлов округидан СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилиши учун якдиллик билан овоз бердилар.

**(ЎзТАГ мухбири).**

Қуйида СССР халқ депутатлигига меҳнат коллективлари ва турар-жойлардаги сайловчилар йиғилишларида кўрсатилган номзодлар билан танишасиз:

Тошкент тўқимачилик комбинати меҳнат коллективидан шу комбинат бош директори **Б. Эргашев** ва комбинат йигирувчиси **Д. Қосимова**.

Ҳамза номидаги Давлат академик драма театри коллективидан актёр **З. Муҳаммаджонов**.

Тошкентдаги 2-автокомбинат коллективидан ҳайдовчи **И. Акбаров**.

Ҳамза район ошхоналар тресги коллективидан қандолатчи **Т. Староверова**.

Ленин район ички ишлар бўлими коллективидан Ҳамза район ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари **А. Козлов**.

Тошкентдаги «Лола» парфюмерия-косметика фабрикаси коллективидан фабрика директори **З. Виноградова**.

## МАТБУОТ МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

ОММАВИЙ ахборот воситаларининг СССР халқ депутатлари сайловига тайёргарликнинг боришини ёритишга оид ишларини марказлаштириш, шаҳар ва районларда ўтказилаётган тадбирларни газета, телевидение ва радио редакцияларига тезда етказиш учун область партия комитетида матбуот маркази тузилди.

Сайлов кампанияси билан боғлиқ маълумотларни 33-49-31 рақамли телефон орқали ҳар куни СОАТ 10 ДАН 14 ГАЧА хабар қилишингиз мумкин.

## ХАЛҚ КОНТРОЛИ ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

19 январь куни Тошкентда бўлиб ўтган матбуот конференциясида халқ контроли олдида турган вазифалар ва унинг фаолиятини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг роли тўғрисида гап борди. Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг раиси А. С. Ефимов журналистлар ҳузурида сўзга чиқди.

Матбуот конференциясида мамлакатда амалга оширилаётган қайта қуриш халқ контроли органларига ҳам тааллуқли бўлганлиги таъкидланди. Халқ назоратчиларининг маҳаллий Советлар, ишчи контроли группалари билан ҳамжиҳатлиги янада мустаҳкамланди. Эндиликда, одатдагидек, энг ўткир муаммолар назоратчиларнинг диққат марказида турибди. Республикани социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш кўп жиҳатдан ана шу муаммоларнинг ҳал этилишига боғлиқдир.

Журналистларнинг саволларига жавоблар қайтарилди.

**(ЎзТАГ).**

# Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

19 январь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

Мажлисда Хоразм область халқ депутатлари Советларининг РСФСР регионлари билан хўжалик алоқаларини ривожлантириш мақсадида ижара пудратидан фойдаланиш соҳасидаги иши кўриб чиқилди. Хоразм область ижроия комитетининг раиси К. Ҳ. Ҳалимбетов ушбу масала юзасидан ҳисобот берди.

Хоразм области халқ депутатлари Советлари РСФСРнинг меҳнат коллективлари билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш борасида аниқ мақсадга қаратилган иш олиб бораётганликлари қайд этиб ўтилди. Партиянинг иқтисодий муносабатларни қайта қуришга қаратилган бош йўли асосида меҳнатни ташкил этишнинг ижара ва кооператив формаларига асосланган хўжалик ҳамкорлигининг янги шакллари ривожланиб бормоқда. РСФСРнинг Кострома области билан муносабатларда ҳамкорликнинг ана шундай шаклларидан актив фойдаланилмоқда.

Президиум Хоразм области маҳаллий Советларининг шу йўналишдаги фаолиятини маъқуллаб, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига, халқ депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетларига ҳар томонлама бевосита алоқалардан, ижара пудрати, кооперация принципларидан, меҳнатни ташкил этишнинг бошқа формаларидан кенг фойдаланиш асосида Россия Федерацияси регионлари билан узоқ муддатли социал-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишни, бундай алоқаларни қардош халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашнинг, меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялашни кучайтиришнинг, мамлакат яхлит халқ хўжалик комплексини ривожлантиришнинг самарали воситаси деб билишни таклиф қилди.

Республика халқ депутатлари Советларининг ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети еттинчи сессиясининг қарорлари асосида Уй-жой тўғрисидаги қонунга риоя этиш борасидаги иши кўриб чиқилди. Ўзбекистон ССР прокурори Д. А. Усатов мазкур масала хусусида ахборот берди.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари гражданларнинг уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш, Уй-жой тўғрисидаги қонунга риоя этиш юзасидан муайян чора-тадбирларни кўраётганликлари қайд этиб ўтилди. Республикада беш йиллик бошидан буён 21,6 миллион квадрат-метрдан кўпроқ уй-жой фойдаланишга топширилди, якка тартибда уй-жой қурилиши суръатлари икки баравар ошди, бу эса Ўзбекистоннинг икки миллиондан кўпроқ аҳолисига ўз уй-жой шароитини яхшилаб олиш имконини берди.

Шу билан бирга уй-жой муаммосини ҳал этишдаги вазият ўткирлигича қолмоқда, уй-жой олиш учун навбатлар деярли камаймаяпти. Бундай аҳволнинг сабаби — республиканинг бир қанча министрликлари ва идоралари, халқ депутатлари Советлари давлат капитал маблағлари ҳисобига уй-жой қуриш планларини бажармаётганлигида, уй-жойларнинг сифати пастлигида, қурилиш ҳажмлари қўшиб ёзилаётганлигида, уй-жойларни ҳисобга олиш ва тақсимлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигидадир. Бу эса Уй-жой тўғрисидаги қонунлар қўпол равишда бузилишига олиб келмоқда.

Президиум Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари, министрликлар ва идоралар коллегияларининг эътиборини республика Олий Совети еттинчи сессиясининг уй-жой қуришни кўпайтиришга оид қарорлари бажарилиши устидан назоратни кучайтириш, уй-жой тўғрисидаги қонунлар бузилишига қарши қатъий кураш олиб бориш, бунда айбдор бўлган кишиларни қаттиқ жавобгарликка тортиш зарурлигига қаратди.

1988 йил 30 декабрда Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Олий Советлари Президиумларида, маҳаллий Советлар ижроия комитетларида бўлиб ўтган ўқувчилар ва ишчи-ёшлар учун «Дўстлик ва қардошлик дарслари»нинг якунлари кўриб чиқилди. Бу дарслар ошкора ва амалий муҳитда, КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси талаблари руҳида ўтиб, йигит ва қизларнинг сиёсий ва социал фаоллиги ошганлигини намойиш қилди.

Республика халқ депутатлари Советларининг, министрликлари ва идораларининг эътибори ёшлар билан олиб бориладиган ишларни тубдан қайта қуришга, миллатлараро муносабат практикасини, ёш авлодни интернационал руҳда тарбиялашни такомиллаштиришга, бўлиб ўтган учрашувларда айтилган таклиф ва мулоҳазалар сўзсиз бажарилиши зарурлигига қаратилди.

Мажлисда республика давлат турмушининг бошқа масалалари кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

*• Ишчи назорати иш устида*

# ГЎШТГА ХАРИДОР ЙЎҚ ЭМИШ

**ЖОЙЛАРДА** ишчи назорати группалари тузилди-ю, сотувчиларнинг ороми бузилди. Яшириб қўйишлар, устама нарх билан сотишлар бироз тартибга тушиб қолгандек бўлди. Лекин пойтахтимизнинг чекка районларида бундай кўнгилсизликлар ҳамон учраб турибди. Куйбишев районининг Улуғбек посёлкасида жойлашган Марказий универсам магазинидан маҳаллий аҳоли ва шу яқин атрофда меҳнат қилувчи ишчи-хизматчилар норози бўлиб мурожаат қилмаган ташкилотлари қолмади. Комиссиялар келиб магазиннинг у ёқ-бу ёғини текширган бўлардилар-да, ҳужжатларни расмийлаштириб жўнаб кетардилар, халқ эса яна бир чеккада алданиб қолаверарди.

Йўқ, бу сафар бундай бўлмади. Республика касаба союзлари комитетидан келган махсус ишчи назорати оператив группаси магазинда қатъий текшириш олиб борди. Назоратчилар дастлаб магазиннинг қандолат бўлимига кириб, икки қути «Праздничний» тортини харид қилдилар. Сўнг назоратчилар ўзларини таништирдилар. Сотувчи Р. Исроилова контроль харид чоғида назоратчилардан 88 тийин ортиқча пул олганлиги аниқланди. Сотувчи шошиб қолганиданми ёки бошқа сабаб биланми «Мен ҳозир директорни чақираман», дея ўзини назоратчилардан узоқроққа олиб қочмоқчи бўлди. Назоратчилар ҳам анойилардан эмас эканлар. Сотувчи шу баҳонада бошқа бўлимга чиқиб «ташвишли сигнал» бермоқчи эди, лекин у бу ишга улгуролмади. Назоратчиларнинг иккинчи группаси айни пайтда магазиннинг сут-ёғ бўлимида «ишлаётган» эди. Бу ерда эса сотувчи С. Крупник шубҳали «харидор»ларга ортиқча 17 тийин қайтим бериб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Назоратчилар бу сотувчининг яна бир чаққон ҳаракатларини кўриб ҳайратландилар: у яширилган 2 килограмм сариёғни шунчалик усталик билан пештахтага чиқариб қўйдики... ҳай-ҳай бунга тан бермай бўлмасди. Назоратчилар холодильникларда тинтув ўтказганларида яна 250 килограмм яширилган сариёғни топиб олдилар. Бу сариёғлар магазининг омборидан топилган яна 250 килограмм вермишелни ҳам қўшиб ҳужжатлар расмийлаштирилгач, савдога чиқарилди. Бу маҳсулотлар пештахтага қўйилгач, қисқа муддатда сотилиб кетди.

Магазинда яшириб сотишлар авж олган экан. Омборда 67 килограмм қўй гўштини оладиган харидор топилмаган эмиш. Қассоблар қайсидир ташкилотга юборишга тайёрлаб — чопиб қўйган гўштнинг ичидан мутлақо сотиш мумкин бўлмаган гўшт қисмлари ҳам чиқди. Магазин директори Ф. Каграманов назоратчилар фош қилган камчиликлардан «Ҳеч нарсадан менинг хабарим йўқ» дея, сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлди. Ваҳоланки, у коллективнинг раҳбари бўла туриб, камчиликларни хаспўшлаб, уларни яширишга уриниши бизни ажаблантирди. Директор магазиндаги камчиликларни ўзи билмаса, уни ишчи назорати группаси аъзолари кўрсатиб беришди. Бу ҳақдаги қолган гапларни биз шаҳар савдо бош бошқармаси раҳбарларидан кутамиз.

**Н. МАЪМУРОВ.**









✦ Ишчи назорати группаси ўтказган рейддан фотолавҳалар.

Автор фотолари.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»га ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

## «ҒАФЛАТ УЙҚУСИДАН УЙҒОТИБ ҚЎЙИНГ»

«БИЗ яшаётган уйнинг қурилганига 16 йилдан ошди, ҳали томидан чакка ўтса, ҳали иситиш системалари ишдан чиқади. Кўпчилик жойларда сув ўтадиган қувурлар чириб кетган».

Газетанинг ўтган йил 4 ноябрь сонида босилган юқоридаги мазмундаги танқидий хабарга Собир Раҳимов район Совети ижроия комитетидан жавоб олинди. Унда хабар бўйича текшириш ўтказилганда кўрсатилган камчиликлар тасдиқланганлиги айтилади. Ҳозир мавжуд нуқсонлар тугатилган. Иситиш системаси ва иссиқ сув қувурлари нормал ишламоқда.

## • Социал масалалар бўлимида •

ОҚИБАТ

# АЭРОПОРТДАГИ «ТОШ» ОДАМЛАР

**ЛОҚАЙД КИШИЛАРНИНГ АЙБИ БИЛАН ОТА ЎЛИМ ТЎШАГИДА ЁТГАН ЎҒЛИНИНГ ОЛДИГА ЕТИБ БОРОЛМАДИ, СЎНГГИ СЎЗИНИ ЭШИТА ОЛМАДИ**

ҚАРШИБОЙ ака телеграммани ўқиди-ю, ичида алланима узилиб кетгандек бўлди. «Вой, жоним болам» деганча кўрпачага ҳолсизгина чўккалади. Ич-ичидан ҳуруж қилиб келаётган ўкирикни куч билан босди. Турмуш ўртоғи Саида опа эса бўлганича бўлган эди: каловланиб дам у ёққа, дам бу ёққа борар, шашқатор ёшларини артишни ҳам унутган эди. Кичкина Сайфиддин, тўққизинчи синфда ўқийдиган Гулчеҳра ота-онасига жовдираб тикилишар, уларнинг назарида телеграммани нотўғри ўқишган, ундаги сўзлар ёлғондек туюларди. Лекин, совуқ мужда келтирган бир парча қоғоздаги сўзлар аниқ кўриниб турар, юракка тикондек қадаларди:

**«Бахтсиз йўл-транспорт ҳодисаси рўй берди. Сизнинг ўғлингиз ниҳоятда оғир аҳволда.**

**А. ТУПИЦИН».**

Бир зумда қариндош-уруғлар, оила аъзолари тўпланди. Қаршибой ака титроқ қўллари билан Шавкатнинг суратларини авайлаб қоғозга ўради. Наридан бери кийинди. Саида опа эса аллақачон тайёрланган, бошини тебратганча стулда ўтирарди. Уларни Тошкентга, аэропортга Қаршибой ака қоровуллик қиладиган магазин мудири Таслим олиб бориб қўядиган бўлди.

Қаршибой ака аэропортдаги ҳарбий комендатурада телеграммани ўқишиб, зудлик билан самолётга чиқариб қўйишади, деб ўйлаган эди. Афсуски, катта лейтенант елкасини қисиб, совуққина жавоб берди: «Бизда бундай воқеалар сон мингта. Граждан аэрофлотига мурожаат қилинг». Бояқиш ота умидини узиб, иккинчи қаватга тушди. Қаёққа боришини, кимга дардини айтишини билмасди. Кўз ўнгида «тиқ» этса эшикка умидвор тикилиб ётган ўғли гавдаланди. Чидолмади: тумонат одам ўртасида ёш боладек йиғлаб юборди. Шавкатнинг ўнинчи синфни битирувчилар венеткасидаги суратини дамба-дам ўпар, бағрига босарди. Атрофига йўловчилар тўпланди. Кексароқ бир киши насиҳат қилган бўлди:

— Кап-катта одамсиз-а, ўзингизни босинг...

Қаршибой ака йиғидан қизарган кўзларини рўмолчаси билан артди, оғир «уф» тортди. Ичига сиғмаётган, суякдек тиқилиб турган дарди на насиҳат на юпатиш билан енгиллашарди шу топда. У суратни кўрсатиб, титроқ овозда деди:

— Чидаб туролмайман. Ўғлим Хабарскда, йўлимга илҳақ бўлиб ётибди. Командири аҳволи оғир, деб ёзибди. Оҳ, Шавкатжон, қанотим йўқки, олдингга учиб борсам! Полвоним, арслоним, болам...

Йўловчиларнинг эътибори йиғлаётган отага қаратилди. Улар касса олдида шовқин-сурон кўтаришди: «Қандай инсофсиз одамсизлар?! Ўғли ўлим тўшагида ётибди, ахир. Қандай бўлмасин, унга билет тўғрилаб беринглар». Қарангки, шунча таънадашном билан Қаршибой акага қўшимча билет ёзишибди. Демак, энди бахтидан кўради: жой бўлса учади, бўлмаса йўқ. Ўша куни жиғаргўшалари дардида куйиб, каловланган эр-хотин тахта ўриндиқда тонг орттиришди. Самолётда жой бўлмади. Бу воқеа ўтган йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтди.

24 декабрь куни Қаршибой ака яна касса олдига келди. Қўлида ўғлининг сурати. Суратни ўпади, йиғлайди, кичкина дарча ортида ўтирган кассир аёлга умидвор тикилади. Аммо, кассирнинг у билан иши йўқ. Баркашдек юзида ҳамдардлик аломати сезилмайди, «нега йиғлаяпсиз?», деб сўрамайди. Бундай кишилар бировнинг дардига асло шерик бўла олмайдилар. Дардмандларнинг хўрсинишлари, йўловчиларнинг тавалло-илтижолари уларнинг қулоғига бели букилмаган пулларнинг ёқимли шилдирашидек эшитилади, холос. Қаршибой ака ҳам содда — гўл одам. Пули-ку етарли эди, секингина қистирса, ҳозир осмону фалакда учиб кетаётган бўлармиди. Лекин, қишлоқилигига бориб, одамлардан инсоф-диёнат излади, унинг ўғли дардида йиғлаётганини билиб кимдир билет олиб беради, юпатиб, йўлга кузатиб қўяди, деб ўйлади. Бизда яхши одамлар умуман йўқ, демоқчи эмасмиз. Йўқ, ундай эмас. Афсуски шу куни, шу соатларда Қаршибой ака ва Саида опалар кўзларида қайноқ ёш билан аэропорт кассалари олдида умидвор юришганда уларга ҳамдард бўладиган одам топилмади.

Навбатда турган бир киши чидаб туролмади:

— Бу одам кечадан бери йиғлаб юрибди. Унга билет беринглар, ўғлини кўриб қолсин, ахир!

Энди 917914 номерли қўшимча билет беришди. Иркутскгача. Ўша куни самолёт кеч келди. Осмон узоқ, ер қаттиқ. Қанот боғлаб учолмайди. Ўз дардига ўзи қовурилди, бутун аэропортни кўзда ёши билан кезиб чиқди, ҳамдард тополмади. Изтироб-ҳаяжонлардан толиққан ота аэропорт эшиги тагида ухлаб қолди. Тонгга яқин «Тошкент — Иркутск самолётига йўловчилар қабул қилинади» деган овозни эшитди-ю, Саида опани етаклаб, учиш майдони сари интилди. Уларга кўринишдан амалдорлиги сезилиб турган бир киши дуч келди. Қаршибой ака: «Қачонгача бу ерда юрамиз? Ахир, ўғлим...» деди. У: «Жой бўлса учасиз, бўлмаса йўқ» деб жавоб берди. Отанинг кўзларига қон қуйилди, чекка томирлари ўқлоғдек ўйнаб чиқди, ўзини босиб туролмади. Қўлидаги ўғлининг венеткаси билан ҳалиги амалдорнинг башарасига туширди. Ҳозир у нима қилаётганлигини идрок эта олмас, кўз ўнгида фақат ўғли — Шавкатжон гавдаланарди.

— Ие, қизиқ одам экансиз-ку, — тўнғиллади ҳалиги амалдор ва зарда билан деди: — Билетни бу ёққа беринг?

У билетга муҳр босиб, алланималарни ёзди.

Қаршибой ака Саида опа билан самолётга жойлашиб олгач, атрофга кўз югуртирди. Ўрнидан туриб, бўш жойларни санаб чиқди. Қарангки, 17 та ўрин бўш экан! У «ўрин йўқли»гидан аэропортда қолиб кетган одамларни эслади. Яна бир бояқишнинг турмуш ўртоғи вафот этган, у ҳам Қаршибой акага ўхшаб аэропортда уч кун сарсон-саргардон бўлган эди. Олмаотада яна йўловчилар чиқишди. Шунда ҳам икки ўрин бўш қолди!

Табиат одамни гулдан нозик, темирдан қаттиқ қилиб яратган. У не-не ранжу аламларга, айрилиқ-фожиаларга бардош беради. Шум хабардан қочиб ерга кириб, осмонга учиб кетолмайсиз. У сизни бир зумда қувиб етади. Иркутскда ҳам Қаршибой акани даҳшатли хабар кутарди: улар Тошкентдаги аэропортда ўғиллари дийдорини кўриш учун, минг азоб-тўлғоқда юрган кунлари Шавкатжон ҳаётдан кўз юмган эди. Совуқ хабар Пискентга етиб келиши билан Қаршибой аканинг қариндоши Ҳабибулла вақтни ўтказмай, Иркутск аэропортига телефон қилди. Қаршибой ака амакиваччаси Ҳабибулланинг гапларини эшитиб, ўзини ташлаб юбормаганига, бошини деворга уриб дод солмаганига ўзи ҳам ҳайрон. Ҳабибулланинг овози узоқ Пискентдан аниқ эшитиларди: «Қайтаверинглар. Шавкатжондан айрилибмиз...»

Шу уч кун ичида адою тамом бўлган Саидага нима дейди? «Тур, энди, хотин. Ўғлимиз ўлибди, уйга қайтамиз» дейдими? Йўқ, бу аламларга бардош беролмайди. Яна бирор кор-ҳол бўлиб қолса қаёққа боради?! Иркутск аэропорти ходимларига минг раҳмат. Улар кўзлари ёшли отанинг дардини эшитишиб, бир зумда билет тўғрилаб беришди, ҳатто кузатиб ҳам қўйишди.

Тошкентга етиб келишди. Қаршибой ака тўғри келган таксини тўхтатиб, чўнтагидан битта ўн сўмлик чиқарди:

— Укажон, бизни зудлик билан Пискентга етказиб қўйинг?

Йўлда Саида опа: «Ҳарбий госпиталга борамиз. Шавкатжон ўша ерда бўлса керак», деб туриб олди. Энди айтмасликнинг иложи йўқ эди. «Хотин, ўзингни бос, қолган фарзандларимизни ўйла». Саида опа эрига даҳшат билан тикилди. Ҳамма гапни тушунди. Кутилмаганда ғайри-табиий овоз билан чинқириб, сочларини юлди, машина ойнасига бошини урди. У хотинини маҳкам ушлаб, шофёр йигитга деди:

— Укам, Пискентга тезлаб, ҳайдайверинг... Ҳм...

... Ўғлининг жасадини 28 декабрда олиб келишди. Ҳарбий қисмдан келган подполковник отанинг дард тўла сўзларини эшитиб, афсус билан бош чайқади:

— Шавкат аълочи, интизомли солдат эди. У охирги нафасигача сизларни кутди. Мен ўлим тўшагида ётган ўғлига ошиқаётган ота-онага Тошкент аэропортида ёрдам беришмаганига ҳайронман, лоқайдликдан қачон қутуламиз, ҳеч ақлим етмаяпти...

Дафн маросимига бутун Саид қишлоғи қатнашди. Шавкатга илк бор «Алифбе»ни танитган кекса ўқитувчи Назар Эгамов кўз ёшларини тийиб туролмади. Нафақат у, бутун қишлоқ йиғлади, мотам тутди. Фақат кичкина Сайфиддингина акасининг ўлганига сира-сира ишонмас, чунки, яқиндагина ундан хат келган, «Сайфиддинжон, Сайпич, Сайпу, мен сени жуда соғиндим. Ҳадемай хизматимни тамомлаб, олдингга бораман. Яхши бола бўлгин», деб ёзган эди-ку?! Онаси Саида опанинг туғилган кунига бағишлаб шеър ҳам ёзиб юборганди:

Онажоним ёздим хат,
Сизни соғинганимдан.
Бермадим сизга роҳат,
Мен ёшлик чоғларимдан.
Хатларимни ташламанг,
Кўзларингиз ёшламанг.
Қайтиб келарман бир кун,
Юрагингиз ғашламанг.
Тунлари алла айтиб,
Бошимда сиз турдингиз.
Оқ сут бериб, ўстириб,
Мени катта қилдингиз.
Энди бўлса, онажон,
Бағрингиздан йироқман.
Оналик меҳрингизни
Орзиқиб кутмоқдаман.

... Қаршибой ака титроқ қўллари билан ўғлининг суратлари, ёзган хатлари, юборган открикаларини олдимизга ёйди:

— Кўринг, шундай азамат ўғлимдан айрилиб қолдим. Охирги дамларда оғзига бир томчи сув томиза олмаганимга, уни тирик кўролмаганимга туриб-туриб ўртаниб кетаман. Оҳ, ўғлим, қандай азамат эди-я! Онаси 27 йилдан бери ўқитувчи. У армияга кетиш олдидан: «Онажон, қайтиб келгач, ўқишга кираман, касбингизни давом эттираман, сиз энди дам оласиз», деб айтган эди. Афсу-у-ус, ниятига етолмади...

Қаршибой акага нима деймиз? Уни қандай юпатамиз? Бечора ота юрган йўлида кўзларидан тинимсиз ёш думалайди. Тошкент аэропортида эса ана шу кўз ёшларга бефарқ қарашди, ҳеч ким унга ҳамдард бўлмади. Қаршибой ака аэропортдаги қора соқолли кишини яхши эслаб қолган. У кўзи ёшли, бағри доғли отанинг сўзларига қулоқ ҳам солмаган, инсонлик бурчини бажармаган эди. Шавкат венеткасининг бир учи йиртилган. Қаршибой ака у билан бағритош хизматчининг башарасига туширган эди...

Газета саҳифаларида Ўзбекистон Граждан авиацияси раҳбарлари, Тошкент аэропортидаги тартибсизликлар бир неча марта танқид қилинди. Аммо танқидлар уларга пашша чаққанчалик таъсир этмаяпти. Нима учун? Эҳтимол, бу танқид-таъналар уларга «Ассалому алайкум»дек жўн гап бўлиб қолгандир, танқид эшитавериб кўникиб ҳам кетишгандир? Лекин, улар кўникканлари билан одамлар кўникмайдилар. Бу бемеҳрликларга бир кунмас — бир кун чек қўйилиши керак-ку?!

Бизни яна бир нарса ўйлантиради: нима учун аэропортдаги ҳарбий комендатурада Қаршибой акага ёрдам берилмади? Ахир, унинг фарзанди курортда ёки бошқа жойда эмас, Совет Армияси сафида йигитлик бурчини ўтаётганда бахтсиз ҳодисага учраган эди-ку?!

Бизнингча, республика ҳарбий комиссарлиги бу кўнгилсиз воқеани муҳокама қилиб, аэропортда чинакам ҳарбий интизом ўрнатиши лозим. Таклифимиз ҳам, талабимиз ҳам битта: ҳарбий хизматдаги фарзандларидан нохуш хабар келган ота-оналар йўлида на аэропортда ва на темирйўл вокзалларида тўсиқ бўлмаслиги, уларни биринчи навбатда йўлга кузатиш зарур, деб ўйлаймиз.

**Э. ҚОСИМОВ.**

## ШУНДАЙ ЯНГИЛИКЛАР БЎЛАДИ

ТОШКЕНТ темир йўл бўлинмаси коллективи ўтган йил давомида 1988 йил планида кўзда тутилганидан 3,7 процент ортиқ халқ хўжалик юкларини манзилларига етказиб берди. Пассажирларга хизмат кўрсатиш ҳам ортиғи билан бажарилди. Бу муваффақиятлар қувонарли, албатта. Лекин юк ташиш ва йўловчиларга хизмат кўрсатишда ҳозирча айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Бу буюртмачилар ҳамда йўловчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

1989 йилда шундай камчиликларни бартараф қилиш учун кўплаб тадбирлар кўрилади. Жумладан, шу йилнинг иккинчи кварталидан темир йўлда «Экспресс-2» маркали автоматик кассалар ишга туширилади. У йўловчиларга билет реализация қилишни тезлаштиради. Иттифоқимизнинг турли йўналишлари бўйича қатнайдиган тезюрар поездлар сони эса 36 тага кўпайтирилади.

Бўлинмада ҳар йили минглаб саёҳат ишқибозларига ҳам хизмат кўрсатилади. Ўтган йили улар учун 140 та туристик поезд тузилган эди. Бу йил эса уларнинг сонини 150 тагача кўпайтириш планлаштирилган.

**У. МУҲАМЕДОВ.**




## ФАҚАТ ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ «Билим» жамиятининг хотин-қизлар ўртасида билимларни тарғиб этиш комиссияси ўзининг аниқ иш плани ва анъанасига эга: комиссия аъзолари йил бошида турли мавзуларни қамраб олувчи таклифлари, фикр ва мулоҳазалари билан ўзаро кенгашиб, ишни шу асосда режалаштирадилар. Характерли томони шуки, улар йил давомида фақат битта район хўжаликларида, қишлоқ ва посёлка Советларида иш олиб боришади.

— Бунинг ҳайрон қоларли жойи йўқ,— дея изоҳ беради комиссия раиси, тарих фанлари кандидати М. Юнусхўжаева.— Бизнинг йиллик иш планимиз бир-бирининг узвий давоми бўлиб, тадбирлар турли касб эгалари (врачлар, ёзувчилар, артистлар, шоирлар, олимлар) иштирокида ўтказилади. 1987 йили «Октябрь ва аёллар» деб номланган туркум лекциялар, давра суҳбатларини Паркент райони аёллари эътиборига ҳавола этган эдик.

Жамиятнинг «Аёл ва ҳозирги замон» деб аталган 1988 йил давомидаги тадбири Тошкент район хотин-қизлари ҳаётига бағишланди. Хотин-қизларнинг оиладаги ва ишлаб чиқаришдаги роли, уларга қисқартирилган иш кунлари ва иш соатлари яратиб бериш ҳақида ўринли фикрлар айтилди.

Энг сўнгги — тўққизинчи машғулот шу райондаги Карл Маркс номли колхозда бўлиб ўтди.

**Г. ЙУЛДОШЕВА.**

*• Саҳифамиз меҳмони*

**Кўз очар гулшанда ғунча, булбул афғон айлагач,**
**Нега афғон айлай, ул гул юзни тобон айлагач,**
**Эй Навоий, ишқ агар кўнглингни мажруҳ этмади,**
**Бас нединким қон келур оғзингдан афғон айлагач.**

# ДИЛ ТОРИНИ ЧЕРТАР ҚЎШИҚЛАР

КАТТА ашула янграяпти. Унинг нафис, жозибадор оҳанги киши қалбига ҳузур бахш этади, ўйга толдиради. Куйга солинган ғазал сатрлари мазмунини ўқиб, фикринг тиниқлашади. Беихтиёр бу ўзига хос бетакрор овоз соҳибаси билан қизиқасан.

— Сиз таниқли хонанда Матлуба Дадабоева ижросида Навоий ғазали билан айтиладиган «Айлагач» ашуласини тингладингиз,— изоҳ беради диктор.

**МАТЛУБА ДАДАБОЕВА** ўзининг катта санъат ворисаси эканлигидан ҳақли равишда фахрлана олади. Бобоси хушовоз — Калон ҳофизни Наманган воҳасида танимаган киши бўлмаган. Унинг қизи — Матлубанинг онаси ҳам доира чертиб қўшиқ айтарди. Шунинг учун ҳам воҳанинг Чуст районидаги Варзик қишлоғида туғилган Матлуба санъат оламида вояга етди, дейиш мумкин.

Табиат Матлубани ширали овоздан ҳам, куйни ҳис қилишдек иқтидордан ҳам сиқмади. Бу имконият уни Н. Островский номли Тошкент театр ва рассомлик санъати институтига етаклади. Матлуба талабалик йилларидаёқ «Куйланг ёш хонандалар» телевизион конкурсида иштирок этиб, кўпмингкишилик томошабинлар қалбидан жой олди. Ўз мухлисларини топди. Ҳозир унинг ижросидаги «Самарқанд ушшоғи», «Баёт-1», «Баёт-5» ашулаларини кўпчилик севиб тинглайди. Тожик халқ қўшиғи «Намедонам», ҳамда Р. Ризо шеърига басталанган «Сен ўзинг», Н. Нарзуллаев сўзи билан айтиладиган «Ўзбекистон куйлагай» ва «Ҳилола» деб номланган қўшиқлар ҳам унинг репертуаридан мустаҳкам ўрин олган.



— Матлубада ўзига хос ширали овоз бор,— дейди «Мақом» ансамблининг аъзоси, халқ ҳофизи Орифхон Ҳотамов.— Мақом йўлида авваллари Жўрахон Султонов ва Маъмуржон Узоқовлар жўр овозда ашула айтишар эди. Шундай йўлдан эндиликда Матлуба билан Маҳбуба Ҳасановалар боришяпти. Бу икки ёш хонанданинг жўр овозда куйлашлари ўзбек мақоми йўлидаги катта муваффақият сари илдамлаш десак бўлади. Улар ижросидаги «Боқолмай ёр юзига», «Аё дилбар», «Арзимни айтай» ашулаларини кўпчилик севиб тинглайди. Шу ўринда мен мақом муаммоси ҳақида бироз тўхталмоқчиман. Бизда Бухоро мақоми, Хоразм мақоми, Фарғона ва Қўқон мақомлари мавжуд. Уларни ижро этаётганда, куй басталашда аралаштириб юбормаслик керак. Шунинг учун ҳам мақомни ислоҳ қилиш зарур, деб биламан.

Дарҳақиқат, ҳар бир соҳанинг ўзига хос томонлари бўлгани каби ўзбек классик қўшиқчилигининг ҳам фақат ҳақиқий санъаткоргина сезиб ҳис қила оладиган хусусиятлари мавжуд. Шу сабабли катта ашулани яхши овоз билан ҳам маромига етказиб айта олмаслик мумкин.

— Мен 1978 йилгача ҳам оркестр жўрлигида қўшиқлар айтиб юрардим,— дейди Матлуба биз билан суҳбатда.— Бора-бора мақомнинг сеҳрли олами ўзига тортди. Устозим Орифхон Ҳотамов ёрдамида мақом сирларини ўргана бошладим. «Шашмақом»дан «Самарқанд ушшоғи»ни куйлаганимда ўзимни бошқа бир сеҳрли оламда юргандек ҳис этаман. Чунки бу ашула мақом усулида айтган биринчи ашулам бўлади.

Матлуба мана тўрт йилдирки ўзининг хуш овози билан санъат ихлосмандларини мамнун қилиш билан бирга «Бухоро ироғи»ни машқ қиляпти. Бу ашулани дастлаб Саодат Қобулова ижро этган. Аммо негадир у фонотекадан жой ололмаган. Натижада йўқолиб кетган.

— Мана шу ашулани мен ижро этишга муяссар бўлдим,— дейди у, сўзини давом эттириб.— Агар бу ашулам ҳам тингловчилар қалбидан жой ололса, халқимизнинг севимли мақомчилик санъатининг давомчиси сифатида унинг яшаб қолишига қўшган муносиб ҳиссам бўлур эди.

Севимли хонандамизнинг ушбу юксак истаги рўёбга чиқишига биз ҳам тилакдошмиз.

**Г. МАМБЕТОВА.**

*● АКС САДО ● АКС САДО ● АКС САДО ● АКС САДО ●*

## ҚУДА ЧАҚИРИҚ ЧЕКЛАНДИ, ХОЛОС

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»нинг ўтган йил 17 сентябрь сонида босилган А. Манноновнинг «Қиз базми керакми?» сарлавҳали мақоласи бизнинг маҳалла аҳлида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Дарҳақиқат, юртимиздаги тўкин-сочинлик туфайли яқин ўтмишимизни ҳам жуда тез унутиб қўйган эканмиз. Ахир уруш йилларидаги очарчилик азобларини кўрганлар орамизда ҳали кўпчиликни ташкил этади. Шунга қарамай тўйларимизда орзу-ҳавас деб ортиқча сарф-харажатларга ва исрофгарчиликларга йўл қўйиш ҳаддидан ошиб боряпти. Уларни тартибга солиш айниқса қишлоқ жойларда қийин бўлмоқда.

Айтайлик бизнинг қишлоқда кейинги пайтда тўйга чақириш ҳам шарт бўлмай қолди. Қиз базмида 200—250 чоғли, куёвтўраникида эса 350 —400 нафарга яқин меҳмон кутилмоқда. Пайт пойлаб катталардан бўшаган жойларни эгаллаб оладиган 12 —14 ёшли зумрашаларни айтмайсизми. Тўй эгаси шунча меҳмонни кутишга қурби етадими-йўқми, бу билан ҳеч ким қизиқмайди.

Шунинг учун ҳам биз маҳалла комитети аъзолари тўй комиссияси ва хотин-қизлар совети билан биргаликда маслаҳатлашиб қиз базми, чарлар, қуда чақириқ, хотиноши сингари тобора авжига чиқиб бораётган удумларни чеклаш ҳақида маслаҳатлашдик.

Исрофгарчиликларнинг асосий сабабчиси тугун-терсакка қарши чиқдик. Лекин аёлларимиз бундай тартибсиз тўйларда, эл-юртни ўз дастурхонида келгани билан кутилмаса, тўй эгасининг топгани билан ҳеч нарса қилиб бўлмаслигини айтиб, бунга қарши чиқишди. Қиз базмига келганда ҳам ҳамма А. Манноновнинг фикрига қўшилгандек бўлди-ю, лекин ҳеч ким тўйни қиз базмисиз ўтказишни ўзи бошлаб беришни хоҳламади. Хуллас, уринишларимиз фақат қуда чақириқни йўқ қилиш билангина чекланди, холос. Ўйлаб қарасак, бу тадбирларни амалга оширишга биргина маҳалла комитети ожизлик қилар экан. Бу ишда бизга қишлоқ Совети депутатлари, мактаблар педагогика коллективлари ва комсомол ташкилотларимиз яқиндан ёрдам беришса мақсадга мувофиқ бўларди.

**Ж. ИСМОИЛОВ,**
**Оржоникидзе районидаги Дўрмон қишлоғи маҳалла комитети раиси.**

✦ ✦ ✦

**Нафиса Ғафурова Тошкент шаҳридаги 1-клиник касалхонанинг асаб хасталиклари бўлимида ҳамшира бўлиб хизмат қилади. У беморларга бўлган самимий эътибори ва ширинсуханлиги билан ҳурмат қозонган. Суратда Н. Ғафурова.**

**М. Назаров фотоси.**

✦ ✦ ✦



## Фойдали маслаҳатлар

*** Ошхонада ишлатиладиган пичоқларингиз занглаб қолган бўлса, ўсимлик мойи суртиб ярим соатча қўйиб қўйинг. Сўнгра қум қоғоз билан артиб ташласангиз, зангдан асар ҳам қолмайди.**

*** Кофе қайнатаётганингизда тагида қоладиган қуйқасини ташлаб юборманг. Уни қанд билан аралаштирилган ҳолда ишлатсангиз, хонадаги гул тувакларга бундан яхши ўғит топа олмайсиз.**

**ДУГОНАЛАР ДАВРАСИ**

## ЧЕҲРАЛАРДАН ТАБАССУМ АРИМАСИН

Ўтган йили биз хотин-қизлар кенгашлари фаолиятини мумкин қадар кўпроқ активлаштиришга, уларга нисбатан эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришга ҳаракат қилдик. Ҳуқуқ билимлари, саломатлик халқ университетлари ишлари яхшиланди, савол-жавоб кечалари ўтказилди. Ташкилотчи, билимдон хотин-қизлар кенгашларга раис этиб сайландилар.

Шунга қарамай, хотин-қизлар кенгашлари фаолиятида туб ўзгаришлар сезилмаяпти. Тошкент область партия конференцияси материаллари билан танишиб, шундай хулосага келдим. Қарангки, область бўйича 27 аёл ўз жонига қасд қилибди, шундан 11 нафари эса ўзига ўт қўйибди. Бундай ҳоллар бизнинг қишлоқларда ҳам рўй берди. Ўтган йили Ниёзбош қишлоқ Советида ёшгина келинчак ўзига ўзи ўт қўйди. Маълум бўлишича, аёлнинг турмуш ўртоғи ҳаддан ташқари жабр-зулм ўтказган экан. Натижада келинлик либосининг охори тўкилмасдан туриб, у ёруғ дунёдан кўз юмди. «Халқобод»да ҳам худди шундай хунук воқеа рўй берди.

Очиқ тан олишимиз керак, Янгийўлда хотин-қизлар ўртасида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар жуда кўп. Эскича тушунчалар, қолоқ удумлар ҳамон устунлик қилмоқда. Бу камчиликларни биргина шаҳар хотин-қизлар кенгаши бартараф қилолмайди. Бизга бошланғич партия ташкилотлари секретарлари, коммунистларнинг кўмаги керак. Менимча, хўжаликларда хотин-қизлар кенгашлари раисларини бошқа ташвишлардан озод қилиб, уларнинг ҳуқуқлари, обрў-эътиборларини ошириш зарур.

Янги йилда кўпгина янги тадбирларни амалга ошириш ниятидамиз. Масалан, фақат хотин-қиз активлардан иборат агитбригада тузиб, жойларда савол-жавоб кечалари ўтказамиз, мактабларда қизлар клублари фаолиятини жонлантирамиз, ҳар бир маҳаллада хотин-қизлар кенгаши тузамиз.

Биз барча ҳуқуқларимиздан тўлароқ фойдаланиш, ўз қадр-қимматимиз учун курашни кучайтиришимиз лозим.

**Зуҳра ҲАЙДАРОВА,**
**«Янги йўл» газетаси редакторининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кенгаши раиси.**

# • ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

## *Душанба,* 23 январь

✦ МТ-I

7.00 «120 минут». 9.05 «Куппа-кундуз кунги ёвузлик». Бадиий фильм. 11.00 Мўъжизасиз мўъжизалар. 12.00 Янгиликлар. 12.10 Мультфильмлар. 12.30 Ҳужжатли фильм. 16.00 Янгиликлар. 16.15 Сайловлар олдидан. 16.25 Биовитамин концентратларини (БВК) ишлаб чиқариш ва қўллашга бағишланган Бутуниттифоқ конференциясидан репортаж. 17.10 «Объектив». 17.40 Француз тили — болаларга. 18.40 «Агро» served тележурнали. 19.10 Спорт ҳамма учун. 19.25 Мультфильм. 19.35 Куппа-кундуз кунги ёвузлик. Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 В. Артемов. «Реквием». 23.50 Дунё воқеалари. 00.05 «Вақт танланмайди». Фильм-концерт.

✦ МТ-II

9.00 Гимнастика. 9.15 Ҳужжатли фильм. 9.35, 10.35 Евгений Онегин. Иллюстрацияларда ва музикада. 10.05 Итальян тили. 11.05 Физика. 11.35, 12.40 Биология. 11.55 «Уфқ». Киноальманах. 13.00 «Хотима». Бадиий фильм. 14.35 Янгиликлар. 14.45 Т. Вольская чалади. 15.10 Ҳужжатли фильмлар. 17.35 Янгиликлар. 17.45 Ҳаммасига ҳақ тўланган. Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 19.30 Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Табиат билан ҳамжиҳатликда. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Ҳаммасига ҳақ тўланган. Бадиий фильм. 1-серия. 23.55 Тонгги почта. 00.25 Янгиликлар.

✦ ЎзТВ

15.30 Телефильм. 15.55 Авлиё Сергий. Бадиий фильм. 17.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильм. 18.30 «Бойчечак». 19.00 Дўстлик чинорлари. 19.30 Мушоҳада. 20.00 «Ахборот». 20.20 Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Қалбим қўшиққа тўлиқ. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Армон. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Болалар учун фильм. 20.40 Фан ва дин. 21.15 Оқшом эртаклари. 21.30 ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.

## *Сешанба,* 24 январь

✦ МТ-I

7.00 «120 минут». 9.05 Болалар учун қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар. 10.00 Авторлик қўшиқлари ва ёш ижрочилари. 10.45 Телевизион ҳужжатли фильмлар. 11.35 Янгиликлар. 11.45 Француз тили — болаларга. 16.00 Янгиликлар. 16.15 Қайта қуриш прожектори. 16.25 Музикали хазина. 17.15 Ҳиндистон чолғу асбоблари кўргазмаси. 17.45 Болалар хорлари телеконкурси. 18.30 Спорт ҳамма учун. 18.45 Австралиянинг бош шаҳри. 19.00 Мультфильмлар. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Матбуот билан учрашув. 19.50 Ҳокимият — Советларга! 20.20 Қиш кунларининг бирида. 20.30 «Ракурс». 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Ёшлик куйлайди ва рақсга тушади. 22.30 Қайта қуриш: муаммолар ва ечимлар. 24.00 Е. А. Мравинский дирижёрлик қилади. 01.05 Дунё воқеалари.

✦ МТ-II

9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 География. 10.05 Француз тили. 11.05 ПТУ ўқувчиларига. 11.35, 12.35 Тарих. 12.05 Француз тили. 13.05 Ҳаммасига ҳақ тўланган. Бадиий фильм. 1-серия. 14.45 Классик кураш. 15.30 Янгиликлар. 15.40 Ритмик гимнастика. 16.10 Ҳужжатли фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.45 Ҳаммасига ҳақ тўланган. Бадиий фильм. 2-серия. 19.00 Ритмик гимнастика. 19.30 Киножурнал. 19.40 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Классик кураш. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Ҳаммасига ҳақ тўланган. Бадиий фильм. 2-серия. 23.30 Баскетбол. 00.50 Янгиликлар.

✦ ЎзТВ

15.30 Болалар учун фильм. 16.50 ЎзССР тарихи. 17.20 Илмий-оммабоп фильм. 17.30 Зоология. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Мультфильм. 18.30 Элга хизмат: талаб ва таклиф. 19.05 Ёшлик. 20.00 «Ахборот». 20.20 Шу куннинг долзарб мавзуси. 20.30 «Ахборот». 20.50 Қардошлик тароналари. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Ижара пудратига — кенг йўл. 23.05 Грета вилласининг сири. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Концерт. 20.05 Эҳтиёт бўлинг, буви. Кинокомедия. 21.30 ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.

## *Чоршанба,* 25 январь

✦ МТ-I

7.00 «120 минут». 9.05 «Ракурс». 10.05 Концерт. 10.55 Оламга саёҳат. 11.55 Янгиликлар. 12.05 «Дебют». 12.25 Телевизион ҳужжатли фильмлар. 16.00 Янгиликлар. 16.10 Сайловлар олдидан. 16.20 «Очиқ рояль». 16.55 Қишлоқ истиқболлари. 17.05 Инглиз тили — болаларга. 18.05 Реклама. 18.50 Сиз бунга қодирсиз. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Эфирда музика. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Есенин ва Маяковскийга бағишланади. 23.15 Дунё воқеалари. 23.30 Ҳужжатли фильм. 24.00 А. Шонберг музикаси асосида саҳналаштирилган балет.

✦ МТ-II

9.00 Гимнастика. 9.15 Уй академияси. 9.45, 10.35 Табиатшунослик. 10.05 Немис тили. 10.55 Илмий-оммабоп фильм. 11.05 ПТУ ўқувчиларига. 11.35, 12.35 «Болалик». 12.05 Немис тили. 13.05 Ҳаммасига ҳақ тўланган. Бадиий фильм. 2-серия. 14.20 Янгиликлар. 14.30 Концерт. 15.10 Ҳужжатли фильмлар. 17.40 Янгиликлар. 17.50 Ҳаммасига ҳақ тўланган. Бадиий фильм. 3-серия. 19.10 Янгра, гитара! 19.40 Днепропетровск телевидение студиясининг программаси. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Спорт ва шахс. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Ҳаммасига ҳақ тўланган. Бадиий фильм. 3-серия. 23.35 Эстрада концерти. 00.35 Янгиликлар.

✦ ЎзТВ

15.30 Саховат улашиб. 16.35 А. П. Чехов. Зўраки трагик. 17.25 Ўқитувчи экрани. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Санъат ғунчалари. 19.00 Спорт программаси. 19.30 Кўҳна ва ҳамиша навқирон Ҳиндистон. 20.00 «Ахборот». 20.20 Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Камолот сари. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Пахтачилик: тажриба ва муаммолар. 22.40 «Аёл эъзозланганда». Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумидан репортаж. 23.15 Ҳужжатли фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Катта авлод. 20.30 Рассом ва китоб. 21.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. 21.15 Оқшом эртаклари. 21.30 ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.

## *Пайшанба,* 26 январь

✦ МТ-I

7.00 «120 минут». 9.05 Болалар учун фильм. 10.15 Телевизион ҳужжатли фильм. 11.15 Янгиликлар. 11.25 Инглиз тили — болаларга. 12.25 Жаҳон халқларининг ижоди. 16.00 Янгиликлар. 16.10 Қайта қуриш прожектори. 16.20 Мультфильмлар. 16.50 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 17.35 Ҳокимият — Советларга! 18.05 Импульс: ташаббус, тадбиркорлик, даромад. 18.50 Концерт. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 «Урмоннинг ўз эртаги бор». 19.55 Сиёсий портрет. 20.25 Адабий-бадиий видеоканал. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Адабий-бадиий видеоканалнинг давоми. 23.25 Дунё воқеалари.

✦ МТ-II

9.00 Гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Катта эшик олдидаги мулоҳазалар. 10.05 Испан тили. 11.05 ПТУ ўқувчиларига. 11.35, 12.40 Биология. 12.00 Испан тили. 12.30 Ҳужжатли фильм. 13.05 Ҳаммасига ҳақ тўланган. Бадиий фильм. 3-серия. 14.25 Янгиликлар. 14.35 Чашмалар. 15.05 Ҳужжатли фильмлар. 17.35 Янгиликлар. 17.45 А. П. Чеховнинг экранлаштирилган асарлари. 18.40 Томошабинсиз концерт. 19.10 Мультфильм. 19.20 Ҳужжатли фильмлар. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Концерт. 21.00 Фестиваль экрани. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 А. П. Чеховнинг экранлаштирилган асарлари. 23.10 Сиз яратган боғ. 23.40 Янгиликлар.

✦ ЎзТВ

15.30 Телефильмлар. 16.05 Ёқимтой жаноб «Р». Бадиий фильм. 17.30 ЎзССР тарихи. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Болалар учун фильмлар. 18.55 Инсон болаликдан бошланади. 19.30 Халқ контроли экрани. 20.00 «Ахборот». 20.20 Телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Музикали программа. 21.30 «Время». 22.05 Қайта қуриш прожектори. 22.15 Сайловлар олдидан. 23.15 «Ретро». Экранда «Ўзбекфильм».

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 Ёшлик. 20.20 Реклама. 20.35 Совет Иттифоқи шаҳарлари. 21.30 ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.

## *Жума,* 27 январь

✦ МТ-I

7.00 «120 минут». 9.05 Мультфильмлар. 9.35 Ҳужжатли фильм. 10.40 Хор плюс биз. Болалар хорлари телеконкурси. 11.25 Янгиликлар. 11.55 Йил фасллари. 16.00 Янгиликлар. 16.10 Сайловлар олдидан. 16.20 Болалар учун фильм. 17.35 Концерт. 17.45 Спорт ҳамма учун. 18.00 Фан: назария, тажриба, практика. 18.45 Унутмаганлар ҳақида. Ҳужжатли фильм. 19.15 Дунё воқеалари. 19.30 Интерсигнал. 20.00 Позиция. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Шундай бўлган... бўлганди... 22.30 Бизнинг бурчимиз. 23.20 Нигоҳ.

✦ МТ-II

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 География. 10.05 Инглиз тили. 11.05 Сиз яратган боғ. 11.35, 12.35 Музика. 12.05 Инглиз тили. 13.05 Швед гугурти. Бадиий фильм. 14.00 Ритмик гимнастика. 14.30 Янгиликлар. 14.40 Халқ чолғу садолари. 15.10 Ҳужжатли фильм. 17.35 Янгиликлар. 17.45 Профессор Мамлок. Бадиий фильм. 19.30 Ҳужжатли фильм. 19.50 Мультфильм. 20.00 Ритмик гимнастика. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.50 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Профессор Мамлок. Бадиий фильм. 24.00 Поэзия. 00.40 Янгиликлар.

✦ ЎзТВ

15.30 Қиш охирлаб қолганда. Телевизион бадиий фильм. 16.45 Химия. 17.15 Телефильм. 17.30 Физика. 18.00 Янгиликлар. 18.15 Волейбол бўйича СССР чемпионати. 18.45 Агросаноат ва Озиқ-овқат программаси. 19.20 Маорифимиз муаммолари. 20.00 Ахборот. 20.20 Шу куннинг долзарб мавзуси. 20.30 Ахборот. 20.50 Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий таваллудининг 100 йиллигига. 21.30 «Время». 22.05 Сайловлар олдидан. 22.15 Зина-Зинуля. Бадиий фильм. 23.45 Янги йил калейдоскопи.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.15 Содиқ дўст Санчо. Бадиий фильм. 20.35 Сайловлар олдидан. 21.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. 21.15 Оқшом эртаклари. 21.30 ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.

## *Шанба,* 28 январь

✦ МТ-I

7.00 «120 минут». 9.05 Концерт. 9.30 Сиз яратган боғ. 10.00 Инсон. Ер. Коинот. 11.00 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 11.30 Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун. 12.00 9-студия. 13.00 Ҳайвонот оламида. 14.00 Аслини олганда. 15.15 Тўпли хоккей бўйича жаҳон чемпионати. 15.30 Социализм мамлакатларида. 16.00 Тириклар ва ўликлар. Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. (17.35) Дунё воқеалари. 19.30 Шеърият лаҳзалари. 19.35 Аёл ҳаётидан ўн беш дақиқа. 19.50 Мактаб вальси. Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Телетомошабин ҳамроҳи. 22.20 Шанба оқшомида. 23.35 Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг.

✦ МТ-II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 Қишлоқ янгиликлари. 9.45 Тонгдаги бонг. Бадиий фильм. 11.20 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 12.05 Ҳайкалтарош Анна Голубкина. 13.00 Орган залида. 13.20 КВН. 15.35 Телевизион музикали абонемент. 16.40 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 17.25 Жиноятчининг оиласи. Фильм-спектакль. 19.45 Мультфильм. 19.55 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Миллатлараро муносабатлар: тарихий тажриба ва муаммолар. 21.30 «Время». 22.05 Хоккей. «Спартак» — МАСК. 00.25 Янгиликлар. 00.30 Фильм-концерт.

✦ ЎзТВ

9.00 Ассалому-алайкум. Информацион-музикали программа. 10.00 Шанба экрани. 10.30 Сеҳрли тун. Бадиий фильм. 11.35 Спорт программаси. 12.35 Инсон ва табиат. 13.20 Объективда қайта қуриш. 13.50 Шунчаки саргузашт. 14.35 Инсон ва замин. 15.35 Касаба союзлар ҳаёти. 18.00 Мультфильм. 1, 2, 3-сериялар. 18.30 Ўсмирлар учун. 19.15 Фан уфқлари. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Мусиқа жавони. 21.30 «Время». 22.05 Бўстон. 23.05 Янги йил калейдоскопи.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

16.00 ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.

## *Якшанба,* 29 январь

✦ МТ-I

8.30 Янгиликлар. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 Спортлото тиражи. 9.30 Нега ва нима учун? 10.00 Будильник. 10.30 Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30 Тонгги почта. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 Болалар информацион-публицистик программаси. 14.30 Музикали киоск. 15.00 Здоровье. 15.45 Нигоҳ. 17.00 Жаҳоннинг йирик музейи. 17.30 Қишлоқ янгиликлари. 18.30 Халқаро панорама. 19.15 Янги йил байрам томошалари. 21.30 «Время». 22.05 Салом, доктор! 22.20 Янги йил байрам томошаларининг давоми. 00.30 Янгиликлар.

✦ МТ-II

8.30 Зарядкага сафланинг! 8.45 Ҳужжатли фильмлар. 9.25 Театр ва замон. 10.55 Останкино концерт студиясида шоир Ю. Энтин билан учрашув. 12.00 Саёҳатчилар клуби. 13.00 Профессионал баскетболчилар ўртасида АҚШ чемпионати. 14.00 Киносерпантин. 17.00 Шимол тароналари. 17.30 Мультфильм. 17.45 Тўпли хоккей. Швеция — Финляндия терма командалари. 19.50 Мультфильм. 20.00 Ҳужжатли фильм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ҳужжатли фильм. 20.55 Братислава музикали тантаналари. 21.30 «Время». 22.05 Салом, доктор! 22.20 Еттинчи шахтадаги ҳалокат. Бадиий фильм. 23.55 Хоккей. СССР — Норвегия терма командалари. 01.35 Янгиликлар.

✦ ЎзТВ

9.00 Ассалому алайкум. Информацион-музикали программа. 10.00 Цирк программаси. 10.30 Концерт. 11.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. 13.00 Дўстлик экрани. 14.00 Концерт. 14.50 Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги. 15.35 Биз қандай дам оляпмиз. 16.05 Реклама. 18.10 Болалар учун фильм. 19.20 Ижод саҳифалари. 20.00 Ахборот. 20.20 Телефильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Концерт. 21.30 «Время». 22.05 Тормозлар панд берганда. Бадиий фильм. 23.15 Шаҳар портрети. Информацион дам олиш программаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

16.00 ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

